O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 24-iyun • Seshanba • 76 (27.881) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир».

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТДА САОДАТЛИ ЯШАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Аввал хабар қилинганидек, Президентимиз Ислом Каримов 20-21 июнь кунлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлди

Давлатимиз раҳбарининг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан жойларга чиқиб танишиши яхши анъанага айланган. Бундай сафарлар янгиланишлардан бевосита хабардор бўлиш, ислоҳотлардан манфаатдор оддий одамлар билан учрашиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, мавжуд муаммоларни жойида муҳокама қилиш ва ҳал этиш, бу борада мутасадди ва мутахассисларга зарур тавсия ва топшириқлар бериш имкониятини яратади.

Юртбошимизнинг Бухоро вилоятига ташрифи асносида Вобкент туманидаги «Ҳусен Болта замини» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, бир гуруҳ фермерлар ва вилоят фаоллари билан учрашгани, Бухоро шаҳри марказини янгидан бунёд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишгани ғоят катта аҳамият касб этди.

Ислом Каримовнинг Қашқадарё вилоятига сафари ҳам самимий мулоқотларга бой бўлди. Мамлакатимиз раҳбари даставвал Қарши шаҳридаги «Геолог» стадиони негизида қайта қурилган Маданият ва спорт-соғломлаштириш марказини бориб кўрди. Бу ерда навқирон спортчилар, уларнинг мураббийлари, шунингдек, шаҳардаги маҳаллаларнинг вакиллари билан суҳбатлашди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудлари қатори Қашқадарё вилоятида ҳам ғалла ўримйиғими қизғин давом этмоқда. Деҳқонлар йил бўйи қилинган заҳматли меҳнат маҳсулини уйилаётган юксак хирмонларида кўрмоқда. Президентимиз вилоятга ташрифи давомида дала ишлари билан танишди.

Ерни боқсанг, ер ҳам сени боқади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, ер ҳақиқий парваришга, деҳқон меҳрига эҳтиёж сезади. Ерга меҳрини берган ва унинг тилини биладиган деҳқон буни яхши тушунади. Шунинг учун давлат томонидан фермерликни ривожлантириш, экин майдонларини тажрибали ва ишбилармон деҳқонларга ишониб топшириш учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳозир вилоятдаги фермерлар сони 27 мингдан ошади. Уларнинг 15 мингдан ортиғи ғаллачилик билан шуғулланмоқда.

Ислом Каримов ана шундай илғор фермерлардан бири — Қарши туманидаги «Шоҳрух Эшқулов» фермер хўжалигида бўлди.

Суннат Шерқулов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги тасарруфида 36 гектар ер мавжуд. Шунинг 20 гектарида ғалла етиштирилди. 16 гектарида эса ғўза парваришланмоқда. Фермер ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишни кўзламоқда.

Юртбошимиз фермер ва қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан мулоқот чоғида ғалла ҳосилдорлигини оширишда сара навларнинг аҳамияти ҳақида тўхталди.

— Ҳар қайси вилоят, ҳар бир ҳудуд иқлими ва тупроғига мос янги, энг мақбул навларни яратиш, четдан келтирилган навларни эса шароитга мослаштириш ва изчил ўзлаштириб бориш керак, — деди Ислом Каримов. — Айниқса, Қашқадарё вилоятида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки Қашқадарё замини — ғалла кони. Вилоят юртимиз ғалла мустақиллигини мустаҳкамлашда, бутун Ўзбекистонимизни ғалла билан таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу боис, бу ерда селекциячиликнинг янги, сифатли ва ҳосилдор навлар яратиш устида изланишлар олиб борадиган узлуксиз тизимини яратиш даркор.

Мамлакатимиз раҳбари мазкур масаланинг ғоят муҳим эканига эътиборни қаратди, бу борада тегишли ҳужжат қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришга, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштиришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари пухта ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакат Конституциясида акс эттирилган принципларга мувофиқ жиноий жазо тизими ва суд ишларини юритиш босқичма-босқич либераллаштирилди, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди, натижада озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилган шахслар салмоғи 2007 йилда 2000 йилга нисбатан икки баравардан кўпроқ қисқарди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Жаноби Олийлари,

Ўзбекистонга ташрифим чоғида 2008 йил 4 июнь куни менга кўрсатилган иззат-икром ва самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Финляндия раислик қилиб турган пайтда ЕХҲТнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ушбу ташкилотнинг энг муҳим устувор вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, мазкур ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш учун яхши имкон яратди.

ЕХҲТ Ўзбекистонга ислоҳотларни давом эттиришда ёрдам кўрсатишга ҳамда ЕХҲТнинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган мажбуриятларининг бажарилишини қўллаб-қувватлашга тайёрдир. ЕХҲТ Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги, жумладан, мамлакатингиз билан ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси ўртасидаги ҳамкорлик учала йўналишда ҳам янада ривожланиб боришининг тарафдоридир.

Биз муҳокама қилган долзарб, хусусан, ЕХҲТнинг Афғонистон билан ҳамкорлиги ва чегаралардаги хавфсизликка оид масалаларга ёндашувингиз билан танишиш мен учун ғоят фойдали бўлди. Шу боис Афғонистон масалаларига доир муҳокамани 12 июнь куни Парижда мамнуният билан давом эттирдим.

ЕХҲТнинг хавфсизликни мустаҳкамлаш ва чегараларни бошқариш соҳасидаги, Вазирлар Кенгаши қарорига (2007 йилнинг ноябрь ойида Мадридда қабул қилинган) мувофиқ, фаолиятини қўллаб-қувватлашингизни сўрайман.

Фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ЕХҲТнинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар, шу жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва «Хабеас Корпус» институтининг жорий этилиши қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Бунда фуқаролик жамиятининг мустақил вакиллари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва ЕХҲТ хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеини ошириш ҳамда фуқаролик жамиятига доир масалалар бўйича ҳамкорликнинг узоқ тарихи ва бой тажрибасига эга. Ташкилотимиз ушбу ҳамкорликни давом эттириш ва янада кенгайтиришдан умидвордир.

Мамлакатингизда Халқаро қизил хоч қўмитаси вакилларининг жазони ўташ муассасаларига кириши учун рухсат берилганини ЕХҲТ қизғин маъқуллайди. Ўзбекистон томонидан Болалар меҳнатининг оғир шаклларини таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенция ратификация қилингани ҳақидаги хабарни биз катта мамнуният билан қабул қилдик.

ЕХҲТ Ўзбекистонни муштарак мақсадларимизга эришиш йўлида қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтаман. Ишончим комилки, ташрифим Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик ва мулоқотни, Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Келгусида ҳамкорлик алоқаларимиз янада ривожланади, деб самимий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

Александр СТУББ,
Финляндия ташқи ишлар вазири,
ЕХҲТнинг амалдаги Раиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

2008 йил 28 апрель — 4 май кунлари Ўзбекистон пойтахти — гўзал Тошкент шаҳрида мактаб ўқувчиларининг 42-Халқаро Менделеев олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чоғида кўрсатган ёрдамингиз, мададингиз ҳамда доимий эътиборингиз учун Сизга қизғин ва самимий ташаккур изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Барча қатнашчилар: ўқувчилар, жамоалар раҳбарлари ва халқаро жюри аъзоларининг яқдил фикрига кўра, Тошкентдаги 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси ғоят юксак ташкилий савияда ўтди. Олимпиадаларнинг бутун тарихи мобайнида илк маротаба барча олимпиада қатнашчилари учун дастур тайёрланди ва аввалги биронта ҳам олимпиадада бўлмаган барча шарт-шароитлар яратилди. 42-Менделеев олимпиадаси мамлакатингизда Ёшлар йили деб эълон қилинган йилда ўтганлиги катта рамзий маънога эга бўлиб, битта олтин, битта кумуш ва ўн битта бронза медални қўлга киритган Ўзбекистон жамоасига улкан ютуқ келтирди. Ўқувчиларни аниқ мақсадлар йўлида тайёрлаш самараси ўлароқ, Ўзбекистон ёш кимёгарларининг муваффақияти Сизнинг мамлакатингизда ёш истеъдод соҳиблари оқилона тарбияланаётганидан далолатдир.

Ишончим комилки, таълим, илм-фан ва маданиятнинг йирик халқаро анжумани сифатида Тошкент олимпиадаси унинг барча қатнашчилари ҳаётида унутилмас ва ёрқин воқеага айланиб қолди. Жаҳон ҳамжамияти олимпиада қатнашчилари нигоҳида замонавий Ўзбекистон воқеликларини кўриш, унинг таълим ва фан, иқтисодиёт ва маданият соҳалари, фуқаролари ҳамда ўзбек халқининг тарихи тўғрисида тасаввур ҳосил қилишдек ажойиб имкониятга эга бўлди.

Сизнинг доимий ғамхўрлигингиз туфайли Ўзбекистон ёшлари ўзларининг истеъдодларини ривожлантира бориб, ўз Ватанининг равнақини ва муваффақиятларга эришишини таъминлайверишига ишончим комил. Серқирра фаолиятингизда Сизга чин дилдан муваффақият ва омадлар, Ўзбекистоннинг иқтидорли ва меҳнатсевар халқига тинчлик, омонлик ва фаровонлик тилаб қоламан.

В.САДОВНИЧИЙ,
Евроосиё университетлари уюшмаси президенти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, РФА академиги, профессор

ОРЗУНИНГ ОЛТИН ҚАНОТИ

бугун илмга чанқоқ, изланувчан ёшларимиз олий ўқув юртларида пухта билим олишлари, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилмоқда

2008 йил – Ёшлар йили

Ёшлар орзуларнинг олтин қанотида яшайдилар. Бу қанот уларни мудом улуғ мақсадлар сари чорлайди. «Ёшлар йили» Давлат дастурида ана шу эзгу мақсадлар ўз ифодасини топишига йўналтирилган зарур чора-тадбирлар белгиланган. Демакки, дастурда кўзда тутилган вазифаларнинг тўла амалга оширилиши ёшлар ҳаётида улкан воқеликка айланиб қолиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Миллий университети проректори Тўхтасин АБДУРАҲМОНОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда бўлди.

— Ҳар йили юртимиз коллеж ва лицейларини аъло баҳоларга тамомлаётган минглаб иқтидорли ёшлар танлаган соҳалари бўйича мукаммал илм эгаллаш орзусида олий ўқув юртларига йўл оладилар. «Ёшлар йили» Давлат дастурида вояга етаётган ўғил-қизларнинг пухта билим эгаллашлари учун ҳар томонлама кенг имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, янги ўқув йилида бу борада қандай ўзгаришлар бўлиши кўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз...

— Бугун мамлакатимизда ёшларнинг муносиб камол топиши, ҳар бир вояга етаётган йигит-қиз келажаги учун ғамхўрлик кўрсатилаётгани, бу йўлда кўп эзгу ташаббусларга қўл урилаётгани барчанинг қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Улуғвор ғоялар ўз ифодасини топган Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш эса ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

3-бет

Сўз — ЎзХДП етакчиларига

БИЗ ЭЛЕКТОРАТ УЧУН ИШЛАЙМИЗ

ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилоти ташаббускорлиги, ибратли тажрибалари, катта кучга эгалиги билан алоҳида нуфузга эга. Бугунги кунда пойтахтимизда ўн битта туман ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ЎзХДП кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, айниқса партиянинг ижтимоий ҳамкорлари билан яқин алоқа ўрнатилган. Мухбиримиз Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун ШАЙИМҚУЛОВ билан партия ташкилотларининг бугунги фаолияти, электорат манфаатлари йўлида олиб бораётган ишлари хусусида суҳбатлашди.

2-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилиши одил судлов сифатини оширишга имкон берди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция (шикоят) тартиби жорий этилиши суд процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишида қўшимча кафолат бўлди, ярашув институтининг киритилиши эса, кейинги етти йил ичида салкам етмиш минг кишига нисбатан жиноий таъқиб тугатилиши учун имкон берди.

Жорий йилнинг биринчи январидан эътиборан Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг самарали, замонавий демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Суд тизимини демократлаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш ва адвокатура ролини ошириш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш имконини берди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, суднинг обрўси ва мустақиллигини ошириш, одил судловни амалга оширишда қонунийлигини таъминлаш, судлар фаолиятига аралашишга ҳамда ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин.

2. Белгиланснки, Марказ:

ўз фаолияти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ҳисобот берадиган мустақил ахборот-таҳлил ва маслаҳат муассасаси ҳисобланади;

унга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тасдиқланадиган директор амалга оширади. Марказ директори моддий, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарига тенглаштирилади;

республика бюджети ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди орқали молиялаштирилади;

суд-ҳуқуқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва Адлия вазирлиги, давлат органлари ва илмий муассасалар билан ҳамкорликда амалга оширади.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Марказ фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб беради, Марказнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган таҳлилий ишлар дастурлари, ташкилий-ҳуқуқий тадбирларини тасдиқлайди, уларнинг самарали ва сифатли бажарилиши устидан назоратни таъминлайди.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

суд фаолиятини амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд тизими вазифаларини белгилаб берувчи қоидалари рўёбга чиқарилиши самарадорлиги масалалари бўйича қонунчилик базасини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, Қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ҳамда умумлаштириш;

жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал қонунчилигини, суд ишларини юритишни демократлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

одил судлов тизимини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг обрўсини ошириш ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар тайёрлаш;

суд фаолияти соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш, одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва рўёбга чиқариш, суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд мустақиллигини таъминлаш принципларига бағишланган конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

4. Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тўғрисидаги Низом, унинг тузилмаси, ходимларининг чекланган умумий сони 30 кишидан иборат бўлган штат жадвали, шунингдек, меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Марказнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига ходимларнинг белгиланган чекланган сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Б.Мустафоев):

бир ой муддатда Марказни судларда ва ахборот-таҳлил фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдиришни, шунингдек, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан, илғор чет эл таҳлил марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг 2008-2009 йилларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилишини таъминласин;

уч ой муддатда Марказнинг жойлаштирилиши ва ободлаштирилишини, зарур компьютер ва нусха кўпайтириш техникаси, дастурий воситалар, идоравий мебель ҳамда Марказнинг самарали ишлаши учун зарур бўлган бошқа моддий-техника воситалари, услубий материаллар билан таъминласин;

икки ой муддатда Марказнинг устувор йўналишларини, 2008 йил иккинчи ярми ва 2009 йилга мўлжалланган ахборот-таҳлилий ишлари ва тадбирлари дастурини белгиласин ҳамда уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин.

6. Марказ ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ходимлари учун ўрнатилган тартибда меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, махсус унвонлар, мансаб даражалари татбиқ этилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов) 2009 йилдан бошлаб, ҳар йили Марказни жорий таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, ахборот нашрлари ва адабиётга сўнаг бўлиш, халқаро конференциялар ва семинарларда иштирок этиш учун республика бюджети ҳисобидан маблағ ажратилишини назарда тутсин.

8. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси Кузатув кенгаши 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича Марказнинг жорий таъминоти, уни жиҳозлаш, фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан, иккита хизмат енгил автомобилини харид қилиши ва таъминоти учун маблағ ажратсин.

9. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Арипов) бир ой муддатда белгиланган тартибда Марказни зарур, жумладан, ҳукумат алоқа турлари ва воситалари билан таъминласин, шунингдек, Интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятини яратиб берсин.

10. Марказ:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари юборилиши шарт бўлган (1 нусхада) ташкилотлар рўйхатига;

Марказ кутубхонасини шакллантириш учун босма ва китоб маҳсулотларининг (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар) назорат нусхаларини (1 нусха) бепул оладиган ташкилотлар рўйхатига;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди ва Олий хўжалик судининг статистика ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ушбу Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил, 23 июнь

ОЗОД ВА ОБОД ЮРТДА САОДАТЛИ ЯШАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарҳақиқат, Қашқадарё вилояти бугун дон, ун ва ун маҳсулотларини нафақат ички, балки ташқи бозорга ҳам чиқармоқда. Ҳаридорлар орасида Тожикистон, Афғонистон, Эрон каби мамлакатлар бор. Вилоятда бу йил 750 минг тоннадан зиёд дон етиштириш, жумладан давлатга 379 минг тоннадан ортиқ ғалла сотиш учун барча куч сафарбар этилган. Бунёд этилажак хирмон фермерлар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг бугунги саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Шу боис ўрим-йиғимни уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ғалла ўрим-йиғими давом этаётган шу кунларда вилоятдаги юзлаб фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларини бажарди. Бу йил мавсумда 400 дан ортиқ комбайн ишламоқда.

Айни пайтда 175 минг 840 гектар ерга экилган ғўза парвариши алоҳида эътиборда. Бугунги муҳим вазифа агротехника тадбирларини тўлиқ ва ўз вақтида ўтказиш, ғўзани вақтида ва тежамли суғоришни ташкил этишдан иборат.

Қарши туманидаги «Ҳасанов Парда» фермер хўжалиги раҳбари Парда Ҳасановнинг айтишича, жорий йилда хўжалик тасарруфидаги 30 гектар майдоннинг ярмида ғалла етиштирилган.

Президентимиз мазкур хўжалик дала шийпонида вилоятнинг илғор фермерлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутасаддилари ва мутахассислари, тадбиркорлар билан учрашди. Самимий мулоқот чоғида, аввало, вилоятда етиштирилган ғалла ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, шунингдек, ғўза парваришига жиддий эътибор қаратиш хусусида сўз борди. Юртбошимиз илғор фермер П.Ҳасановга «Дамас» автомобили совға қилди.

Ислом Каримов фермернинг мулкдор сифатида ўз оиласи, маҳалласи, қишлоғидаги ҳаёт тарзи янада фаровонлашиши, юртнинг бундан ҳам обод бўлишидаги иштироки муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

— Ҳозирги давр фермерлар нафақат иқтисодий, балки сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишини тақозо этмоқда, — деди Юртбошимиз. — Бошқача айтганда, Олий Мажлисда, маҳаллий Кенгашларда фермерлар ишониб сайлаган вакиллари уларнинг ютуқ ва муаммоларини яхши билиши, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари одамларнинг, айниқса қишлоқ аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилаш, маънавиятини юксалтириш, хусусан, ёшларимизга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш зарурлиги ҳақида сўзлади.

— Ота-онанинг бурчи фарзандини боқиш, кийинтириш, вояга етказиб, уйли-жойли қилиш билан чекланмайди, — деди Ислом Каримов. — Фарзандларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишдек улкан масъулият ҳам бор. Мана шундай озод ва обод Ватанда, тинч-осойишта юртда бахтли ва фаровон ҳаёт кечириш ҳар биримизнинг ўзимизга — фаол саъй-ҳаракатимизга, ҳалол меҳнатимизу эзгу интилишларимизга боғлиқ.

Президентимиз билан учрашув чоғида Косон туманидаги «ФАМ» фермер хўжалиги бошлиғи Амир Файзиев, Ғузор туманидаги «Ферузбек Абдусамад» фермер хўжалиги раҳбари Раъно Жонқувватова, Китоб туманидаги «Севаз-Андроникс» фермер хўжалиги раҳбари Алишер Бойқораев ва бошқалар мамлакатимизда фермерлик ҳаракати ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан изчил такомиллашиб бораётгани, фермерларнинг даромади йилдан-йилга ортиб, ўзларини чин маънода мулкдор деб ҳис этаётгани, бундай юксалишларнинг барчаси Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг самараси эканини таъкидладилар. Мамлакатимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Ватанимиз обрў-эътиборини ҳар томонлама юксалтиришдек масъулиятли ва шарафли ишларнинг бошида турган Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Президент Ислом Каримовнинг Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар бугун мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳар ва қишлоғи тараққиёт ва юксалиш йўлига тушиб олганлигини яна бир бор намоён этди. Зотан, Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз!» деган сўзларини дилига жо қилган халқимиз барча жабҳаларда бунёдкорлик ишлари билан машғул.

Ғулом МИРЗО,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбирлари

«СУД ҚОНУНЧИЛИГИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА СУД ТИЗИМИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРГА ШАРҲ

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизация қилиш даврида ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўта муҳим таркибий қисми бўлмиш суд-ҳуқуқ соҳасини чуқур ислоҳ этиш ва либераллаштиришнинг яхлит концепцияси амалга оширилди. Фақат жорий йилнинг ўзида суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш бўйича қатор чоралар амалга оширилди. Йил бошидан буён ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисидаги қонунлар кучга кирди ва амалга оширилмоқда, қатор қонунларга жиноий жазо тизимини либераллаштириш, судлар, прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини демократлаштиришга қаратилган ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди. Шу йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги изчил ва тизимли ишлар жамиятни демократик янгилаш жараёни билан узвий боғлиқ. Чунки, суд тизимини либераллаштирмасдан ва демократлаштирмасдан туриб, бугунги кунда мамлакат ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва бошқа соҳаларида кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори Ўзбекистонда мустақиллика эришилган кундан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириб келинаётган чуқур демократик ислоҳотларни давом эттиради ва ҳуқуқни қўллаш ҳамда суд амалиётини такомиллаштириш, суд обрўсини мустаҳкамлаш, унинг Қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини пухта ҳимоя қилишга оид фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган.

Қарорда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ташкил этилаётган муассаса, авваламбор, тадқиқот маркази ҳисобланади ва унинг вазифаси фақат семинарлар ҳамда конференциялар ўтказишдан иборат эмас. Қарорга мувофиқ, Олий суд органлари тизимида суднинг асосий вазифасини ҳал этиш, яъни суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг иккита муҳим йўналишини амалга ошириш — уни либераллаштириш ва демократлаштириш, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ҳолатини тадқиқ этиш ҳамда улар бўйича таклифлар тайёрлаш учун зарур обрў-эътиборга эга бўладиган функционал тузилма ташкил этилмоқда.

Қарорга мувофиқ, тадқиқот маркази бевосита Олий суд раисига бўйсунади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди, Адлия вазирлиги ва бошқа давлат муассасалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширади.

Тадқиқот маркази фаолиятининг устувор йўналишларини мазкур Қарорда қайд этилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий суди белгилайди ва шунингдек, унга марказнинг ахборот-таҳлилий ишлари ҳамда тадбирлари сўзсиз бажарилиши борасида жавобгарлик юклатилган. Қарорнинг ушбу ва бошқа бир қатор бандлари марказ олдида турган вазифалар самарали ҳал этилишини таъминловчи ташкилий-ҳуқуқий шартлар ва механизмларни яратади.

Тадқиқот маркази олдига суд фаолиятини амалга ошириш соҳасида қонунчиликни таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича кенг кўламли вазифаларни амалга ошириш, шу аснода уни янада либераллаштириш, авваламбор, жиноий жазо тизимини либераллаштиришга доир чоралар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Тадқиқот маркази вазифаларига, шунингдек, суд фаолиятини, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётининг одил судлов тизимини янада демократлаштириш, суд фаолиятига аралашиш ҳолларига барҳам бериш, ғайриқонуний суд қарорлари чиқарилишига йўл қўймаслик бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳам киради. Бу вазифаларнинг ҳал этилиши мустақил ва холис суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Янги ташкил этилган тадқиқот маркази олдида одил судловни амалга ошириш соҳасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларини чуқур ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликка татбиқ этиш вазифаси туради. Бу вазифанинг амалга оширилиши ривожланган мамлакатлар, халқаро-ҳуқуқий институтлар тажрибасидан суд-ҳуқуқ тизимини демократик ислоҳ этиш ҳамда шу соҳага доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш ишида фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида тадқиқот маркази олдида турган вазифалар муҳимлиги ва мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, унинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган ташкилий, маъмурий-техникавий чора-тадбирлар комплекси белгилаб берилган.

БИЗ ЭЛЕКТОРАТ УЧУН ИШЛАЙМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Аввало, ЎзХДП Тошкент шаҳар ташкилоти ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман — деди У.Шаймқулов. — Пойтахт партия ташкилоти ўз сафида 30 мингдан зиёд ЎзХДП аъзосини бирлаштирган. Улар 1312 та бошланғич, шу жумладан 549 та ҳудудий партия ташкилот ҳисобида турадилар. Партиядошларимизнинг ярмидан кўпи аёллар, салкам 20 фоизи ишчилар, қарийб 50 фоизи хизматчилардир. ЎзХДП аъзолари ўртасида юқори малакали ўқитувчилар, тиббиёт муассасалари ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, зиёлилар ва талабалар кўп. Сафларимизда шаҳримизда истиқомат қилаётган қирқдан зиёд миллат вакиллари бор. ЎзХДП аъзолари умумий сонининг учдан бир қисмини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил қилади. 2008 йилнинг — Ёшлар йили бўлгани ва Давлат дастурининг қабул қилиниши бутун мамлакатдаги каби, пойтахт йигит-қизларининг ҳам сиёсий ва фуқаролик фаоллигининг ошишига катта таъсир кўрсатганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ёшлар оммавий-сиёсий тадбирларда иштирок этибгина қолмай, балки уларни тайёрлаш ва ўтказишда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Муҳими, бизнинг партиямизга кириш истагини билдираётган ёшларнинг сони тобора ошиб бормоқда.

— Бугунги кунда Тошкент шаҳар ва туман партия кенгашларининг фаолияти асосан қандай амалий ишларга қаратилган?

— Шаҳар партия кенгаши диққат марказидан Ўзбекистон ХДП V қурултойи ва кейинги пленумлари қўйган вазифалар ўрин олган. Аҳолини иш билан таъминлаш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, шаҳар коммунал хўжалиги хизматлари фаолияти устидан ҳам доимий мониторинг олиб борилмоқда.

Шаҳар партия ташкилоти «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган ишларда иштирок этишни ўзининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Мазкур Дастурда кўзда тутилган вазифалар ижросини таъминлашга бор куч ва имкониятимизни сафарбар этишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунончи, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти шаҳар филиали билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Биргаликда турли тадбирлар ташкил этиб келиняпти. Яқинда ўтказилган давра суҳбати «ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлимининг «Ёшлар йили» Давлат дастурини бажариш бўйича долзарб вазифалари»га бағишланди.

— Бошланғич партия ташкилотлари ва ЎзХДП аъзолари фаоллигини ошириш бўйича партия кенгашлари томонидан қандай тадбирлар амалга оширилмоқда?

— 2008 йилдан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун олдимизга партиянинг барча бўғинлари ишини фаоллаштириш бўйича муҳим вазифаларни қўйди. Маълумки, 2006 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ, барча даражадаги партия кенгашлари партия фаоллари учун сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида машғулотлар ўтказиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида мазкур ўқувлар билан 6000 га яқин киши қамраб олинди. Улар орасида фақат ЎзХДП аъзоларигина эмас, балки партия электорати вакиллари, партиясиз фуқаролар ҳам кўп.

Ушбу ўқувлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз Президенти асарлари, амалдаги қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиш, айрим қонунлар лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлаш, партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари фаолиятидаги долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш деб белгиланган. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги машғулотларнинг бири, айнан партия қуйи бўғинини фаоллаштириш мавзусига бағишланди. Партия фаолларининг кўпчилигини қамраб олиш мақсадида мазкур машғулотлар корхона, ташкилот, маҳаллалардаги йирик бошланғич партия ташкилотларида ўтказилмоқда. Тадбирларда сўзга чиққан фаоллар, экспертлар, сиёсатшунос олимлар давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда партия ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти, ЎзХДП аъзоларининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий билимларини оширишда бошланғич ташкилотларнинг вазифалари каби масалаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Партия электорати вакиллари билан алоқаларни кучайтириш, жойлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятни мониторинг қилиб боришда қуйи бўғин фаол иштирок этиши зарурлиги таъкидланмоқда. Шу билан бирга туман партия кенгашлари бошланғич ташкилотларга ахборий-услубий ёрдам кўрсатишни кучайтириши керак деган мулоҳазалар билдирилди. Бу жуда ўринли талаб ва биз уни қондириш устида ишламоқдамиз.

Сиёсий семинарлар ва тарғибот-ташвиқот ишларимизда барча даражадаги партия кенгашлари ҳузурида ташкил этилган Ахборот-ресурс марказлари катта ёрдам бермоқда. Ушбу марказлар ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий адабиёт ва меъёрий ҳужжатлар, услубий материаллар, партиянинг марказий нашрлари — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» ҳамда бошқа газеталар билан таъминланган. Улар нафақат тарғиботчи ва партия фаолларига, балки ҳар бир партия аъзоси, электорат вакили, оддий фуқароларга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

— Маълумки, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ҳайъатининг қарорига биноан 2005 йилдан буён партия кенгашлари ҳузурида Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бу иш Тошкент шаҳрида қандай ташкил этилган?

— Мазкур қарорга биноан Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси партия кенгашлари ҳузурида асосий мақсади фуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш деб белгиланган 13 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Бунинг учун партия кенгашлари томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Алоҳида хоналар ажратилган, алоқа воситалари ўрнатилган. Барча Жамоатчилик қабулхоналарида тегишли партия кенгашлари масъул ходимларининг навбатчилиги ташкил этилган. Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш учун махсус журналлар юритилмоқда. Қабулхоналар ишига жалб қилинган ЎзХДПдан сайланган депутатлар ва партиянинг сайланма органлари аъзолари фуқароларнинг барча мурожаатларини кўриб чиқишда масъулият билан ёндашиб, имкониятлари доирасида, тегишли идора ва ташкилотлар кўмагида уларнинг ижобий ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этилганидан буён уларга турли масалалар билан 1000 дан зиёд киши мурожаат қилган. Мурожаатларнинг аксарияти коммунал хўжалик хизматлари, ишга жойлашиш, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасалари ишига тегишлидир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Яккасарой, Чилонзор, Юнусобод, Бектемир, Учтепа, Собир Раҳимов туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига энг кўп мурожаат бўлган.

Шуни таъкидламоқчи эдимки, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди. Айнан шу нарса туфайли аҳоли орасида қабулхоналаримизнинг обрўси ошиб бормоқда. Шуниси диққатга сазоворки, фуқаролар фақат муаммолари билан эмас, балки қизиқиш, партия кенгашлари фаолиятига доир янгиликлар билан танишиш уларнинг ишини яхшилаш бўйича таклифларини билдириш учун ҳам келмоқдалар.

— Учқун Кудратович, маълумки сиз ЎзХДПдан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига 23-Тансиқбоев сайлов округидан бўшаб қолган ўрин учун депутатликка номзод этиб рўйхатга олингансиз. Сайловолди дастурингизнинг асосий йўналишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Мен аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришда фаол иштирок этишни ўзим учун биринчи устувор йўналиш деб белгилаб олдим. Иккинчи йўналиш — уй-жой-коммунал хизматлар соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, жойларда ижтимоий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, рақобат муҳитини яратиш. Учинчи йўналиш давлат идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ижтимоий институтларнинг фуқаролик масъулиятини кучайтириш аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишда ўзаро ҳамкорлигини яхшилашга қаратилган.

ОРЗУНИНГ ОЛТИН ҚАНОТИ

бугун илмга чанқоқ, изланувчан ёшларимиз олий ўқув юртларида пухта билим олишлари, малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, ўтган «Ижтимоий ҳимоя йили»да бошланган кўпгина хайрли ишлар Ёшлар йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, ёш оилаларга уй-жой қуриш, зарур жиҳозлар сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани, шу билан бирга янги уйлар қуриб берилаётгани кимни ҳам қувонтирмайди. Шундай бахтга мушаррраф бўлаётган ёшлар орасида талабалар анчагина! Эътибор беринг-а, сўнгги йилларда деярли барча олий ўқув юртларимиз қайтадан чирой очди. Бу масканларда кўплаб қурилиш-таъмирлаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Биргина пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида қилинган хайрли ишлар бугун хорижликларни ҳам ҳайратга солмоқда. Бу масканда янгитдан бунёд этилган, мукаммал таъмирдан чиқарилган талабаларнинг шинам турар жойлари, сув спорти саройи, футбол майдони ва бошқа иншоотлар ҳар куни талабалар билан гавжум. Шу ҳудудда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан 500 кишига мўлжаллаб ташкил этилган «Келажак овози» ёшлар ахборот-ресурс маркази ҳам иқтидорли ёшлар учун имконият эшикларини очмоқда. Бугина эмас, «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган яна кўплаб ташаббуслар билан чиқаётгани талабалар, қоларверса, бошқа ёш истеъдод соҳибларини қанчалик қувонтираётганини изоҳлашга ҳожат йўқ.

— Маълумки, бу йил сентябрь ойида университетнинг 90 йиллиги кенг байрам қилинади. Мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун ҳам катта шодиёнага айланаётган бу юбилейга қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Президентимизнинг «Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори таълим-тарбия соҳасига, маънавиятимизга бўлган юксак эҳтиромнинг ёрқин ифодаси бўлди. Қарорда, Ўзбекистон Миллий университети юртимизда энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири экани, интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга йигит-қизларимизни ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида улкан ҳисса қўшиб келаётганлиги ҳамда анча йиллик тарихи, илм-фани ва маданияти жиҳатдан мамлакатимизда, қоларверса, Ўрта Осиё минтақасида муносиб ўрин тутиши алоҳида таъкидланди. Яна шуни айтишимиз жоизки, Юртбошимизнинг 2000 йил 28 январь куни «Тошкент давлат университетига «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми бериш тўғрисида»ги Фармони бутун илмий жамоатчилигимизни қувонтирганди. Мазкур Фармонда Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, мазкур университетнинг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Миллий университет ўзининг 90 йиллик фаолияти мобайнида минглаб зиёлилар, олимлар, турли касб эгаларини тарбиялаб, ҳаётга йўналтирди. Бугун республикамизнинг барча олий ўқув юртларида ҳам ушбу ўқув даргоҳини битириб чиққан олимлар фаолият кўрсатишмоқда. Қолаверса, бу карвонбоши университет таркибидан бир нечта университет ва институтлар ажралиб чиқиб, бугунги кунда улар ҳам мустақил ўқув маскани сифатида равнақ топмоқда. Шундай экан, бу отахон даргоҳнинг 90 йиллик юбилейи мамлакатимиз миқёсида нишонланиши табиий ҳолга айланганини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Яна бир қувончли гап. Бу тантана Ёшлар йилида талабаларнинг қўшалоқ байрамига айланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ушбу анжуманни юксак даражада ўтказиш мақсадида тузилаётган тадбирлар режасида «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган қатор вазифалар ҳам ўз ифодасини топмоқда. Юртбошимизнинг қарори қанчалик қўтаринки руҳда қабул қилинган бўлса, унинг ижроси ҳам шунга монанд юксак даражада амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда юбилейга кенг миқёсда ҳозирлик кўрилаётир. Хусусан, «Ўзбекистон Миллий университети тарихи архив ҳужжатларида» деб номланган хрестоматия, «Университет менинг тақдиримда» деб номланган салмоқли тўплам, махсус буклетлар нашрга тайёрланмоқда. Университет тарихига оид ўзбек, рус ва инглиз тилларида фотоальбом ҳам янада бойитилмоқда. Тарих кўзгуси вазифасини бажарувчи университет музейини қайтадан ташкил этиш, жиҳозлаш ва унинг очилиши маросимини ўтказишга ҳозирлик кўрилмоқда. Шу билан бирга, университет тарихига оид нодир китоблар ва қўлёзма манбалар кўргазмалари ташкил этилади.

Шу йил сентябрь ойида ЎзМУнинг барча факультетларида «Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуида илмий-услубий анжуманлар ташкил этиш режалаштирилган. Университет фахрийлари ҳамда кексалик гаштини сураётган тажрибали устозлар билан талабалар ўртасида «Икки авлод учрашуви» деб номланган маърифий тадбирларга ҳам тайёргарлик олиб борилмоқда. Август ойида эса «Мамлакатимиз олий таълим тизими ва илм-фани ривожида Ўзбекистон миллий университетининг роли» мавзуида халқаро конференция ўтказилади. Албатта, ЎзМУнинг 90 йиллиги нишонланиши асосида ўтказиладиган халқаро анжуманлар, турли тадбирлар барча ёшларимиз ҳаётида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши шубҳасиз.

— Суҳбатимиз бошида олий ўқув юртларига кириш орзусида юрган ёшлар учун кенг имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида сўз юритган эдик. Олий ўқув юртида ўқиш бахтига муяссар бўлган талабалар давлат гранти ёки тўлов шартномалари асосида таҳсил оладилар. Айтингчи, янги ўқув йилида қабул шартларида ўзгаришлар бўладими?

– Маълумки, турли грантлар, жумладан, давлат грантлари, тўлов шартномаси асосида ўқишга қабул қилиш энг ривожланган давлатларда неча ўн йиллардан буён амалда қўлланилиб келинади. Ўқиш даврида талаба учун сарфланадиган харажатлар, жумладан, профессор-ўқитувчиларга тўланадиган маошлар, ўқув хоналарида яратиладиган шароитлар, коммунал хизматлар ва бошқа хизмат турларининг сарф-харажатлари грантлар ва шартнома асосида тўланган маблағ эвазига қопланади. Шу боис, қатор мамлакатлар олий ўқув юртларида бу пул миқдори анча юқори эканлиги сир эмас. Айтайлик, Россия олий ўқув юртларида бу рақам ўртача 1,5-5 минг АҚШ долларини ташкил этади. МДҲнинг бошқа давлатларида ҳам аҳвол шундай. Яъни, Украина, Белоруссияда 1,5-3 минг АҚШ долларидан кам эмаслиги маълум.

Мамлакатимиз олий ўқув юртларидаги тўлов-шартномаларни бошқа давлатлардаги ҳолат билан солиштирганда қанчалик катта фарқ борлигини англаш қийин эмас. Бизнинг олий ўқув юртларимизда тўлов-шартномасига биноан тўланадиган маблағлар миқдори ҳақида гап кетганда шуни айтиш жоизки, талаба ўқув йили давомида ана шу маблағларининг асосий қисмини стипендия тариқасида қайтариб олади. Бу ҳам давлатимиз томонидан талаба-ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир. Шунингдек, талаба хоҳласа, стипендияни шахсий ҳисоб рақами очиб, ўшанга ўтказиши мумкин. Бундан ташқари, улар жуда арзон нархларда турар жой билан таъминланадилар, коммунал ва бошқа хизматлардан фойдаланадилар.

Эътибор берган бўлсангиз, ўқиш жараёнида ҳар бир талаба учун озмунча сарф-харажат кетадими? Ўқув хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаб бориш, янги технологиялар сотиб олиш, булардан ташқари турли таъминотлар, коммунал хизматлар, профессор-ўқитувчиларга тўланадиган маошлардан тортиб бошқа харажатларгача қанча маблағ кетишини бир тасаввур қилинг. Юқорида таъкидлаганимиздек, ривожланган давлатларда ўша харажатлар асосан тўлов-шартномалари асосида олинадиган маблағлар ҳисобидан қопланади.

Бу борада айтиш жоизки, жорий йил «Ёшлар йили» Давлат дастурида олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини яратиш кўзда тутилган бўлиб, унда республикамиз олий таълим масканларининг келажакдаги ресурс базасини мустаҳкамлаш қаби масалалар ечилишидек долзарб вазифалар илгари сурилмоқда. Бундай хайрли ишлар Ёшлар йилида изчил давом этишига шак-шубҳа йўқ.

Тўлқин ЭШБЕК
суҳбатлашди.

ЯХШИ ШАРОИТ ВАЪДА ҚИЛДИ

Вьетнам бош вазири Нгуен Тан Зунг 23-26 июнь кунлари Жорж Бушнинг таклифи билан АҚШда бўлади, деб хабар беради РИА Новости. Нгуен Тан Зунг Оқ уйда юқори мартабали шахслар билан учрашади. Томонлар авваламбор савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилади. Ханой шаҳрида бўлиб ўтган учрашувда тез суръатлар билан ўсиб бораётган савдо алоқаларини мустаҳкамлашда Нгуен америкалик сармоядорлар учун Вьетнамда яхши шароит яратилишини ваъда қилди. Ҳозирда Вьетнамда мингдан ортиқ америкалик ишбилармонлар иштирокида очилган қўшма корхоналар фаолият юритмоқда.

САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИГА КЎРА...

Боливиянинг Тариха музофоти аҳолиси якшанба куни бўлиб ўтган референдумда автономияни ёқлаб овоз берди, деб хабар қилади АВІ. Овоз бериш натижаларига кўра, унда аҳолининг 65 фоизи иштирок этган ва уларнинг 80 фоиздан ортиғи автономияни ёқлаган. Овоз бериш участкаларида автономия тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасида низо келиб чиққан. Бир кун аввал маҳаллий телестанция қаршисида портлаш юз берди. Полиция президент Эво Моралес тарафдорларидан гумонсираморқда. Ҳукумат сайловни «Конституцияга қарши ва ҳуқуқий кучга эга эмас», деб эълон қилди. Тариха музофоти мамлакат ҳудудининг 4 фоизини ташкил этиб, табиий газ эвазига миллий ялпи ички маҳсулотнинг 13 фоизини етказиб беради. Эслатиб ўтамиз, Боливиянинг яна учта музофоти автономия эълон қилиш юзасидан референдум ўтказди.

ЛАГЕРНИ ТАЪМИРЛАШ УЧУН

Австрия пойтахтида Фаластин қочоқлари учун бошпана бўлган Ливан шимолидаги «Нахр ал-Бадрид» лагерини қайта тиклашга бағишланган халқаро муассислар конференцияси бўлиб ўтди, деб хабар беради Рейтер. 2007 йил ёзида лагер Ливан армияси ва лагердаги жангарилар ўртасида бўлган тўқнашув натижасида бутунлай вайрон бўлган эди. Шунингдек, 400 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлиб, лагердаги 40 минг киши уни тарк этди. Аксарият қочоқлар лагер ёнидаги «Баддави» лагерига жойлашган. Ливан томонининг илтимоси билан Австриянинг Европа ва халқаро ишлар бўйича вазири ташкил этган конференцияда 40 дан ортиқ давлат вакиллари иштирок этди. Жумладан, Араб давлатлари Лигаси бош котиби Амир Мусо, Ливан бош вазири Фуад Синьор ва Европа Иттифоқининг ташқи сиёсий масалалар бўйича комиссари Бенита Ферреро-Вальднер ҳам иштирок этди. БМТ қочоқлар масаласи бўйича агентлиги маълумотига кўра, айни пайтда 2000 га яқин оила лагерга қайтиб келган. Ливан ҳукуматининг изоҳ беришича, лагерни таъмирлаш учун 382,5 миллион доллар керак. Шу вақтгача донорлар томонидан 55 миллион доллар йиғилган, холос.

Солиқ ва ҳаёт

МАЪЛУМОТЛАР РАСМИЙ САЙТДА

қабул қилинади ва тарқатилади

XXI аср — ахборот технологиялари асри деб аталаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун компьютер технологиялари жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кенг қўлланилмоқда ва унинг самараси нафақат инсоннинг турмуш-тарзи, балки касбий фаолиятида ҳам яққол сезилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкиллаштирилган «Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг афзалликлари ва қулайликлари» мавзуидаги матбуот анжуманида ҳам солиқ идораларида бу борада амалга оширилган ишлар, тизим ходимлари фаолиятини автоматлаштириш мақсадида жорий этилган дастурий режалар ҳамда солиқ тўловчиларнинг солиқ идоралари билан муносабатларида интерактив хизматлардан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мазкур хизматлар барча учун қулай бўлиб, солиқ идоралари ва солиқ тўловчиларга кенг имкониятлар яратмоқда. Ушбу жараёнда солиқ сири таъминланиб, истеъмолчи ва солиқ хизмати ўртасида ўзаро электрон алоқа йўлга қўйилди. Бундан буён солиқ тўловчиларга кўрсатиладиган интерактив хизматлар интернет тармоғида солиқ хизматининг расмий ахборот сайтида амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида солиқ тўловчилар учун жуда қулай бўлиб, ортиқча вақт ва сарф-харажатларнинг олдини олиш имконини беради.

— Бугунги кунда интерактив хизматларининг 5 йўналиши мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитаси Ахборот хизмати бош мутахассиси Комил Алламжонов. — **Биринчи йўналиш** — солиқ тўлашнинг меъёрий-ҳуқуқий актлари бўйича ахборот тақдим қилишдан иборат бўлиб, маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтида қабул қилинади ва тарқатилади. Сайтга кирганлар кераклі маълумотларни тез ва осон топишлари ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. Шунингдек, мазкур сайтда тўпланган маълумотлар доимий тарзда янгиланади ва тўлдириб борилади. **Иккинчи йўналиш** — солиқ тўловчи тадбиркорларни интернет орқали рўйхатга олиш ва уларга солиқ тўловчининг шахсий рақами (ИНН)ни бериш хизматидан иборат. Ушбу электрон хизмат одатдагиларига қараганда вақтни анча қисқартиради ва бу жараённи солиқ хизмати вакили иштирокисиз амалга ошириш имконини беради. Хизмат солиқ идораларига бормасдан сайт орқали амалга оширилади. **Учинчи йўналиш** — мазкур хизмат давлат ва нодавлат ташкилотларининг ўзаро ҳисоб-китоб ҳужжатларини тузишда вақтни тежаш ва ҳисобларни баҳолашда объектив ёндошувни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ташкилотларнинг қарзларини ўз вақтида тўлашга ёрдам беради. Шу билан бирга мазкур хизмат орқали солиқ ва тўловлар ҳақидаги даврий ҳисоботларни исталган вақтда олиш мумкин. **Тўртинчи йўналиш** — назорат қилувчи ташкилотларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устидан текширувларини рўйхатга олиш ва бу ҳақда маълумот беришдан иборат. Интерактив хизмат орқали ташкилотнинг назорат қилувчи орган томонидан қачон ва қанча муддатга текширилишини аввалдан билиш мумкин. Сўнгги **бешинчи йўналиш** — электрон тарзда солиқ ҳисоботларини қабул қилиш ва қайта ишлаш интерактив хизмати бўлиб, ушбу йўналиш 2006 йилдан бошлаб йўлга қўйилган. Мазкур тизим фаолияти интерактив хизматнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланиб, унга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Юқорида таъкидланган хизмат турларини омма орасида тарғиб қилиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан кенг кўламдаги тарғибот ва ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда. Шу билан бирга кўргазмали семинарлар ёрдамида тадбиркорлик субъектларини мазкур хизматлардан фойдаланиш йўриқлари ҳам ўргатилмоқда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ШОФИРКОНЧА «НОРМА»

ёхуд қўлбола ароқ ишлаб чиқараётган сохта тадбиркорнинг қисмати ҳақида

Айрим кимсаларнинг табиати қизиқ. Бундайлар нима таъқиқланган бўлса, ўшанга бир қизиқиб кўришади, охири вой эканлигини эса кеч англашади. Раҳмат Умаров ҳам бойиб кетиш пайида қўлбола ароқ ишлаб чиқаришга жазм қилди.

— Нима бўпти, — деб ўйлади у, — «маҳсулот»ни салгина арзонроқ қилсанг, харидор бисёр бўлади. Бунинг устига кўпчилик ароқнинг шишасига эътибор беради, бошқаси билан иши йўқ. Яна бир гап. Тўй қиладиганлар кўтара савдога ўч.

Дарвоқе, айни пайтда спиртли ичимликларнинг «даврабоп»лари кўп. Масалан, Шофирконда «Норма», «5 капел»га ўчлар бисёр. Фақат арзони топилса бас, Раҳматга ўхшаганларнинг куни туғади. Шундай бўлди ҳам. Раҳмат Тошкентга тез-тез қатнайдиган ва қўлидаги тугунлари семириб қайтадиган бўлди. Ароқ қуйиш учун ишлатиладиган мослама, қопқоқ, акциз маркасини бозорлардан топиш мумкин. Фақат эшик тиқ этса — ҳушёр бўлса бас!

Бу гал сохта тадбиркор Раҳмат Умаров қовун тушириб қўйди. Туман прокуратураси ҳамда солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходимлари у яшаётган Хўжа Ориф маҳалла фуқаролар йиғини Шодлик кўчасидаги 50-уйда кутилмаганда пайдо бўлдилар. Унинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилиб, уйидан 788600 сўмлик қўлбола ароқ, 663 000 сўмлик 132,6 литр спирт, ароқ қуйиш учун ишлатиладиган мослама ва бошқа бир қанча далилий ашёлар олинди.

Яқинда қонунбузарнинг қилмишлари маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Маҳалладошлари олдида юзи шувит бўлган. Р.Умаров қилмишига яраша жазосини олди. У ишидан пушаймон эканлигини таъкидласа-да, қўлга тушгунича қанча кишиларнинг соғлиғига путур етказганини билармиди? Оиласи, уч нафар фарзанди олдида оталик бурчи қайда қолди? Суд жараёнида ана шу саволларга жавоб изланди. Маҳалла фаоллари бундай кимсалар тарбиясига, фаолиятига бефарқ эканликларидан яна бир бор огоҳ бўлдилар.

Холмурод БАҲРОНОВ,
Шофиркон туман прокурори;
Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Андижон вилоят хўжалик судининг 2008 йил 02 июндаги 17-08-05-3881 сонли ажримига асосан Андижон вилоят Избоскан туманидаги «Чуама» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига нисбатан банкротликка доир иш қўзғатилган ва кузатув жорий қилинган.

Мувақкат бошқарувчиси этиб Сардорбек Холмирзаев тайинланган. «Чуама» очиқ турдаги акциядорлик жамияти кредитларининг биринчи йиғилиши 2008 йил 1 июль соат 10.00 «Чуама» ОТАЖ биносида бўлиб ўтади. Кун тартибидаги масалалар:

1. Андижон вилоят хўжалик судининг 02.06.2008й. ажрими тўғрисида.

2. Кузатув жараёнида мувақкат бошқарувчи томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи.

3. Кредиторлар реестрини тасдиқлаш.

4. Андижон вилоят хўжалик судига тегишли қарор қабул қилишни сўраб мурожаат қилиш тўғрисида.

Барча кредиторлар ваколатнома ва қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қатнашишлари сўралади. Қатнашчиларни рўйхатга олиш тегишли тартибда соат 9.30 да бошланади. Қарздорларга нисбатан кредитлар талаблари эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзили: Избоскан тумани «Чуама» ОТАЖ маъмурий биноси.

Мурожаат учун телефон: 275-21-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

божхона постларида қулайлик яратиш мақсадида сейф ва темир шкафлар харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

Таклифлар 15 кун давомида қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 3

Тел.: 120-76-00, ички 26-05

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамияти қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ, ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ВИЛОЯТ ҲУДУДИЙ «ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ОБЪЕКТЛАРИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ ВА ҚУРИШ

Ишларни тугаллаш муддати — 2008 йил 1 ноябргача.

Ишларни молиялаштириш — Жиззах ҳудудий «Қишлоқхўжаликкимё» акциядорлик жамиятининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Зилол маҳалласи, Р.Исаев кўчаси.

Телефон: (8-372) 223-64-61

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулоҳаза

ФОЙДАСИ ЙЎҚ, ЗАРАРИ КЎП

кашандалик ва ичкиликбозликнинг хатари хусусида

Одамзотнинг табиати қизиқ. Ҳар кимнинг ўзига хос «хоббиси», кўнгил эрмаги бор. Кимдир китоб йиғади, бошқа биров ашаддий техника «жиннниси», яна кимдир ичкиликка рўжу қўйган. Буларнинг ҳаммаси бизнинг табиатимиз, феъл-атворимиз билан боғлиқ. Чунки биримиз босиқроқ, иккинчимиз эса асабийміз. Ўз табиатимизга мос келадиган «иш»лар билан ўзимизни овутамиз. Хўш, ана шундай эрмаклар орасида чекиш ва ичиш билан боғлиқ одатга айланиб қолган қусурларнинг фойдаси қанчаю, зарари қанча?

Биламиз, бугун биз сўз юритаётган мавзу ҳақида кунора бўлмаса-да, ойда бир-икки бор турли давларда мулоҳаза юритилади. Газета-журналдан тортиб, радио-телевидениеда ҳам олиму мутахасссислар, оддий юртдошларимиз соғлигимиз учун энг катта хавф туғдирувчи бу балолар хусусида ўз кузатувларини билдирадилар. Лекин афсуски, бу саъй-ҳаракатлар натижаси...кўнгилдагидек эмас!

Шу ўринда бир даҳшатли маълумотни келтириш ўринли деб ўйлаймиз. Яъни Жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунё миқёсида йилига 2,3 миллион одам спиртли ичимлик билан боғлиқ касаллик ва шикастланишлар оқибатида вафот этар экан. Ушбу нуфузли ташкилотнинг шу йил бошида ўтказилган 122-сессияси хулосасида айтилишича, алкоголь бевақт вафот этиш ва ногиронликка олиб келувчи энг катта сабаблардан бири саналаркан. Биргина ана шу далилнинг ўзиёқ инсоният янги асрда ҳам жиддий офат билан юзма-юз турганини кўрсатади.

Хўш, нима қилиш керак? Орамизда ичкиликка муккасидан кетган ёки ашаддий кашандага айланиб улгурган кишиларни кўриб, кузатиб, томошабинлик қилиб ўтираверсак, бизнинг изимиздан келаётган авлодлар қандай йўл тутади? Ёхуд отаси билан бир дастурхон устида қадаҳ уриштираётган ўсмирнинг хатти-ҳаракатини оддий ҳол, дея бурилиб кетсак, инсофданми? Йўқ, отамизми, онамизми, тоға ёки аммамизми, кимлигимиздан қатъи назар, барибир қўлимиздан келгунича шундайларни тўғри йўлга солиш ҳақида ўйлашимиз керак.

Оддий мисол: шаҳар мактабларидан бирида чекиб турган ўқувчиларини қойиб, тартибга чақирган синф раҳбарини кашанда болалардан бирининг отаси мактабга келиб «нима ҳаққинг бор ўғлимни уришишга, сени пулингга чекяяптими?» деганига нима дейсиз?

Ёки бўлмаса етти яшар боласини ароқ олиб келишга юбориб, оқибатда ўзидан катта опалари олдида аёлининг додвойига парво қилмасдан «ўғил бола-да бу, қани менинг қўлимдан бир ҳўпланг-чи» дея ўз фарзандини ичкилик балосига ўргатаётган отанинг қилмишини қандай баҳолаш мумкин?

Тўғри, биз мулоҳаза юритаётган мавзунинг ўзига хос ижтимоий ва иқтисодий жиҳатлари ҳам бор. Албатта, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний савдо қилаётганлар учун улар мўмайгина, катта даромад манбаи ҳам. Лекин масаланинг маънавий жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, ҳар иккала маҳсулотнинг ҳам ўнлаб, юзлаб турлари инсониятга келтираётган зарарларини пул билан, маблағ билан ўлчаб бўлармикан? Кашандалик ва ичкиликбозлик ортидан одамлар нафақат маънавий-руҳий, балки биологик жиҳатдан ҳам таназзулга юз тутаётгани ҳақида мутахассислар бежиз бонг уришмаяпти. Негаки, айримлар учун кўнгилхушлик дея талқин этилувчи бу икки эрмак воситаси пайдо бўлганидан бери одамзот уларга қарши курашиб келади. Очиғи, уларни истеъмолдан олиб ташлаш ва таъқиқлаш бир кун ёки бир йилда амалга ошадиган иш эмас. Бундай амалга қўл уриш эса ҳақиқатдан анча йироқлигини биламиз ва энг тўғри йўл ҳар қандай замонда ҳам инсон руҳиятини тарбиялаш ва улар келтириб чиқарадиган хавфли зарарларни одамларга тушунтиришдан иборатдир. Ахир сигарет қутиси устига «чекиш соғлигингиз учун зарардир» ёки вино-ароқ бутилкасига «ичкилик офат келтиради» дея минг марта огоҳлантириб ёзган билан уларни истеъмол қилаётганлар онгида ўз-ўзини енга олиш қобилияти шаклланмас экан бу чоралар беҳудалигича қолаверади. Шунинг учун ҳар бир оилада, боғчадан тортиб, мактабу олий ўқув юртларида ҳам, хулласи, жамиятнинг ҳар бир нуқтасида сизу бизнинг азият чекишимизга, ҳатто ҳаётимиз учун катта хавф туғдирадиган хасталикларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладиган бундай ярамас одатлар ҳақида амалий ишлар қилишимиз керак. Тўйлар ва турли маросимларни ўтказишда ҳам меъёрга амал қилсак, инсонийлик чегарасидан чиқмасак, халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошади, оилаларда аҳиллик, меҳр-оқибат устун бўлади.

Дунёнинг қатор мамлакатларида жамоат жойларида чекишни таъқиқлаш тўғрисида қонунлар қабул қилинганидан кўпчиликнинг хабари бор. Қолаверса, шундай қонунлар кучга киргач, тамаки маҳсулотлари савдоси назоратга олиниб, ҳатто вояга етмаганларга тамаки сотганлар жазога ҳам тортилмоқда. Бундай қатъий чоралар кўрилаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаётнинг гултожи бўлмиш инсон руҳиятига, саломатлиги ва ирсиятига, бир сўз билан айтганда, ўзлигимизга ўта салбий таъсир кўрсатадиган бундай зарарли одатлардан воз кечиш ва қарши курашиш фақат ва фақат бизнинг ЎЗИМИЗГА боғлиқ.

Полвонхон ЧЎЛИЕВ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти кафедра мудири, доцент.

ОСИЁНИНГ КУЧЛИ ЎНТА ЖАМОАСИ

2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари тўртинчи босқич ўйинларига йўлланма олди. Улар орасида Рауф Инилеев бош мураббийлик қилаётган Ўзбекистон терма жамоаси ҳам борлиги қувонарлидир.

Саралаш учрашувларининг учинчи босқич баҳсларида мамлакатимиз футболчилари «Д» гуруҳида кейинги босқичга бериладиган икки йўлланма учун Саудия Арабистони, Сингапур ва Ливан терма жамоаларига қарши майдонга тушди. Кутилганидек, гуруҳдан Саудия Арабистони ва Ўзбекистон терма жамоалари кейинги босқичга йўлланма олишди.

Охирги турда Рауф Инилеев шогирдлари Ар-Риёдда Саудия Арабистони футболчилари меҳмони бўлдилар. Ушбу учрашув олдидан терма жамоамиз раҳбарлари Максим Шацких («Динамо» Киев), Виталий Денисов («Днепр» Днепропетровск, Украина), Марат Бикмаев («Спартак» Нальчик, Россия) сингари легионерларимиз хизматидан воз кечишга қарор қилганди. Шу боис, бош мураббий Рауф Инилеев фақат миллий чемпионатимизда тўп сурадиган ўйинчилар билан Саудия Арабистонига сафар қилди. Афсуски, экспериментал таркибда тўп сурган Ўзбекистон терма жамоаси йирик ҳисобда рақибларига ютқазиб қўйди — 4:0. Натижада терма жамоамиз гуруҳдаги биринчи ўринни саудияликларга бой берди.

Аммо бу ҳамюртларимизни кейинги босқич йўлланмасидан маҳрум қилолмади.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Ливан терма жамоаси сингапурликлардан 1:2 ҳисобида енгилди.

Шундай қилиб, учинчи босқич саралаш баҳслари ниҳоясига етди. Мусобақа низомига кўра, шунингдек, «А» гуруҳидан Австралия, Қатар, «В» гуруҳидан Япония, Баҳрайн, «С» гуруҳидан Жанубий Корея, КХДР, «Е» гуруҳидан эса Эрон ва Бирлашган Араб амирликлари терма жамоалари ҳам тўртинчи босқич баҳсларига йўлланмани қўлга киритишган. Эътиборли жиҳати, қитъамизнинг номдор жамоалари саналган амалдаги Осиё чемпиони — Ироқ футболчилари, шунингдек, Хитой, Сурия, Таиланд сингари давлатлар вакиллари учинчи босқичдаёқ курашни тўхтатишга мажбур бўлдилар.

Энди шу йилнинг сентябрь ойида старт оладиган тўртинчи босқич учрашувларида ўнта терма жамоа икки гуруҳга бўлиниб, жаҳон чемпионати финал босқичида тўп сурадиган тўртта иштирокчи номини аниқлашади. Мусобақа тартибига мувофиқ, ҳар бир гуруҳдан дастлабки икки ўринни эгаллаган терма жамоа Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига тўғридан тўғри йўлланма олади. Учинчи ўриндан жой олган жамоалар эса ўзаро уй-сафар тизими асосида ўтадиган ўйинларда куч синашиб, бешинчи йўлланма учун Океания минтақаси вакилига қарши майдонга тушадиган кучли жамоа номини аниқлашади.

Тўртинчи босқич учрашувларига 27 июнь куни Куала-Лумпур (Малайзия)да қуръа ташланади.

Эркин ХОЛБОБО

БАШОРАТЛАР ЎЗИНИ ОҚЛАРМИКИН?!

Швейцария ва Австрия яшил майдонларида ўтказилаётган XIII Европа чемпионати ярим финалчилари номи маълум бўлди

Кичик жаҳон чемпионати дея эътироф этилаётган ушбу нуфузли мусобақа чорак финал учрашувлари олдидан Португалия, Хорватия, Голландия ҳамда Италия терма жамоалари имкониятларини юқори баҳолаган миллионлаб ишқибозлар башоратлари пучга чиқди.

«А» гуруҳи баҳсларида яққол етакчи сифатида кўзга ташланган Португалия футболчилари кейинги босқичда кўпчиликни хавотирга солган Германия терма жамоасига 2:3 ҳисобида ютқазиб, илк шов-шувга сабаб бўлишди. Бундай мусобақаларда ўзига хос тарзда тўп суришга одатланган германияликлар ортиқча гап-сўзларга нуқта қўйиб, ярим финал йўлланмасини илиб кетдилар.

«В» гуруҳида ўтказилган уч учрашувда ҳам зафар қучган Хорватия терма жамоаси чорак финалда туркияликларни мағлуб этишганида, ҳеч ким ажабланмасди. Аммо унда гарчи, Фотиҳ Терим шогирдлари биринчи бўлиб ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишган бўлишса-да, учрашув ҳакам ҳуштаги чалингунича давом этишини барчага яна бир карра эслатиб қўйишди. Натижада ярим финалчи номи пенальтилар сериясидан сўнг маълум бўлди. Бу борада рақибларига нисбатан асаблари анча мустаҳкам бўлган Туркия терма жамоасининг қўли устун келди — 3:1.

— Бу бутун мамлакатимизнинг ютуғи, — деди ўйиндан сўнг туркияликлар сардори Нихат Қаҳвачи. — Туркияда аллақачон байрам бошланиб кетган. Биз бундай кўтаринкиликни чемпионат охиригача сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз. Ярим финалдаги рақибимиз — Германия терма жамоасини ҳам албатта доғда қолдиришга кучимиз етади. Тахминимча, финалда испанияликларга қарши тўп сурамиз. Умид қиламанки, бу галги Европа чемпионатида биз ғалаба қозонамиз.

Ўз гуруҳида 2006 йилги жаҳон чемпионати финалчилари Италия ва Франция терма футболчиларини йирик ҳисобларда мағлубиятга учратган Голландия терма жамоасини аксарият мухлислар муддатидан илгари мусобақа шоҳсупасига чиқариб қўйишган эди. Ҳамиша кутилмаган натижалар, шов-шувларга бой бўлган Европа чемпионати бу сафар ҳам яна барчани ҳаяжонга солди. Чорак финалгача юз фоизлик натижани қайд қилган Марко ван Бастен шогирдлари Россия терма жамоаси билан кечган учрашувнинг асосий вақтида рақиблари билан тенгма-тенг ўйин намойиш этган бўлсалар-да, қўшимча вақтда улар учун ушбу босқич сўнгги «бекат» эканликларини билдириб қўйди — 1:3.

— Ярим финалдаги рақибимиз Испания — Италия терма жамоалари учрашувида аниқланади, — деди ўйиндан сўнг Россия терма жамоаси мураббийи Игорь Корнилов. — Шу лаҳзаларда унда испанияликларнинг ғалаба қозонишини жуда-жуда хоҳлаяпман. Менимча, энди ҳеч ким улар билан ўтказган биринчи ўйин ва йирик ҳисобдаги мағлубиятимизни эсламайди. Дунёнинг энг кучли мутахассисларидан бири бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз ярим финалда Испания футболчилари учун чинакам «бош оғриқ» бўлишига ишонаман ва албатта, россияликлар финалда тўп суришга ҳақлидир.

Дарҳақиқат, муроса йўлини танлаган Испания — Италия терма жамоалари (0:0) сўнгги ярим финалчи номини пенальтилар серияси орқали аниқлашди. Унда омад россиялик мураббий кутган Испания терма жамоасига кулиб боқди — 4:2.

Энди эртага ўтказиладиган ярим финалнинг илк учрашувида Германия — Туркия терма жамоалари ўзаро куч синашса, 26 июнь куни Россия — Испания футболчилари иккинчи финалчи номини аниқлайдилар.

(Ўз мухбиримиз).

Божхона бекати

1185 ТОННА

МАҲСУЛОТ УШЛАБ ҚОЛИНДИ

Диёримиз ўзининг унумдор ерлари ва серҳосил боғлари билан маълуму машҳур. Ҳозир полиз маҳсулотлари, мевалар ва турли ноз-неъматлар пишиб етилган пайт.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун барча қонуний имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилган. Лекин халқимиз ризқига хиёнат қилаётган айрим «учар»лар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини четга ноқонуний равишда олиб чиқиб, мўмай даромад орттиришга уринмоқдалар. Уларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатларига республикамиз божхоначилари томонидан ўз вақтида чек қўйилиб, сара маҳсулотлар эл дастурхонига қайтарилмоқда.

Яқинда Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари айланма йўлда ҳаракатланаётган «КамАЗ» русумли юк автомашинасини божхона назоратидан ўтказишганда, фуқаро Ш.Ҳасанов юртимизда етиштирилган 17 тонна ўрик маҳсулотини қўшни давлатга яширинча олиб чиқмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Фуқаро А.Содиқов ҳам 10 тоннадан ортиқ олхўрини «КамАЗ»га юклаб, ҳеч қандай ҳужжатсиз қўшни республикага олиб чиқиб кетаётганда Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди. Худди шунга ўхшаш яна бир ҳолат: фуқаро А.Жўрабоев «КамАЗ»га юкланган 10 тоннадан ошиқ олхўрини четга олиб чиқиб кетаётганида наманганлик божхоначилар томонидан тўхтатилди.

Сирдарёлик М.Мустафаев «КамАЗ» русумли юк автомашинасида салкам 12 тонна пиёзни қўшни республикага ноқонуний равишда олиб чиқишга уринганда Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ушланди.

Жиззах вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам фуқаро И.Омонов 13 тонна, фуқаро Х.Холдоров эса 15 тонна пиёзни қўшни давлатга ноқонуний олиб чиқишаётганлигини аниқлашди.

Фуқаро З.Аблиқуловага 6 тоннадан ошиқ помидорни четга олиб чиқиш «насиб қилмади». Унинг юкини олиб кетаётган «КамАЗ» айланма йўлда Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимларига дуч келди.

Андижонлик божхоначилар айланма йўлда ҳаракатланаётган «КамАЗ»ни тўхтатиб, божхона назоратидан ўтказишганда, унга қарийб 2,5 тонна помидор юкланганлиги маълум бўлди. Юк эгаси фуқаро И.Тўхтақулов бу маҳсулотни қўшни республикага олиб ўтишни мўлжаллаган экан.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 647 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати 790 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 1185 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг четга ноқонуний равишда олиб чиқилишининг олди олинди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

ҲАЙВОНОТ БОҒИ ЯНГИ КЎРИНИШДА

Яқинда Термиз ҳайвонот боғи қайта реконструкция қилиниб, болажонларнинг кўнгилочар масканига айлантирилди. Бу ерда янги сув ҳавзаси, турли аттракционлар, махсус аллеялар ва кириш дарвозаси замонавий тарзда қуриб битказилди.

Бугун 129 турдаги ҳайвонлар сақланаётган ҳайвонот боғи бешта бўлимдан иборат. Яқинда ҳайвонлар сони ва турини кўпайтириш мақсадида Тошкент шаҳридаги ҳайвонот боғидан Бухоро буғуси, кенгуру, Америка туяси, лама, Амур йўлбарси келтирилди.

Суратларда: «Қизил китоб»га киритилган холдор буғи; Австралия туяқуши; Амур йўлбарси; Бухоро буғуси.

И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

«Ўзбекнефтгаз» МХК «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖ, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси билан биргаликда «Шимолий Шўртан, Гармистон, Қумчиқ ва Шакарбулоқ конларида йўлакай газларни зарарсизлантириш» лойиҳаси юзасидан соф ривожлантириш механизмини муҳокама қилиш бўйича жамоатчилик вакиллари (манфаатдор шахслар, мутахассислар, ташкилотлар) билан учрашувнинг биринчи раундини ўтказади.

Учрашув 2008 йил 3 июль кун соат 10.00 да «ЎзЛИТИнефтгаз» ОАЖнинг мажлислар залида, қуйидаги манзилда:

Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 2-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур учрашувга барча манфаатдор шахслар таклиф этилади.

Тошкент шаҳар Хўжалик Судининг **2008 йил 10 июндаги** ажримларига асосан қуйидаги корхоналарни **банкрот** деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланди.

№	Корхона номи	Макони	СТИР	Рўйхатга олинган қарор санаси ва рақами		ОКПО	Хўжалик Судининг ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши қуйидаги кунда ва соатда кўрилади	
1	AZIZBEK-QURUVCHI	Хф	203429786	09.11.00	1736	17858945	10-0813/7181	Абдурахимов С.	23.06.08	15:00
2	ILHOM PLYUS BIZNES	МЧЖ	300119507	08.01.07	002285-03	21564230	10-813/7182	Карабаев А.	23.06.08	15:00
3	OSKAR OMAD	МЧЖ	300481312	12.06.07	002596-03	22015309	10-0813/7183	Карабаев А.	23.06.08	15:00
4	VILTERMA VESTA	МЧЖ	300469088	30.05.07	002564-03	21885103	10-0813/7184	Карабаев А.	23.06.08	15:00
5	AVAZBEK-QURUVCHI	МЧЖ	205643235	26.04.05	000917-03	20223423	10-0813/7185	Абдурахимов С.	23.06.08	15:00

Кредиторларнинг йиғилиши **2008 йил 23 июнда** соат 14-00 да ўтказилади. Кузатувга оид ишлар қуйидаги манзилда давом этмоқда: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 а-уй, 603-хона.

Банкротлик иши **2008 йил 23 июнда,** соат 15-00 дан, Тошкент шаҳар, Чўпон ота кўчаси, 6-уй, 4-сонли суд залида, Тошкент шаҳар хўжалик суди биносида (судья Г.М.Таирова томонидан) кўрилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси Самарқанд вилояти бўйича мухбир А.Павленкога отаси

Вячеслав Ўрунович ДАВЛЕТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 02.00
Topshirilgan vaqti — 03.45
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda